

Мусулмон конгрессмен анъанавий либосда қасамёд қилмоқчи



10:02 / 18.12.2018 2341

Яқинда АҚШ Конгрессига сайланган икки муслималардан бири бўлмиш Рашида Тлаиб анъанавий фаластин либоси - рангли каштали безак билан безатилган узун аёллар кийимида қасамёд қилишини маълум қилди. “Диққат: мана мен нимада қасамёд қиламан”, деб постини расмлар ва #PalestinianThobe #ForMyYama хаштеги билан бирга Instagramдаги аккаунтига жойлаштирган. Аввалроқ Рашида янги сайланган конгрессменлар учун Иорданиянинг ғарбий ҳудудида жойлашган ва ҳозирда барча қариндошлари яшаб келаётган Байт-ур ал-Фок қишлоғига сафар уюштиришни режалаштираётганини айтган эди. Сафардан мақсад қонун чиқарувчи ҳамкасбларини ҳудуддаги ҳақиқий ҳолат билан таништиришдан иборат эканлигини айтиб ўтган.

Islom.uz портали тахририяти